



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FANLAR AKADEMIYASI



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTTI




OZBERKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI
UNION OF WRITERS OF UZBEKISTAN



Tashkent

АДАБИЁТШУҲОСАЛӢӢНГ ДОЗДЕР БЕ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АДАБИЁТШУҲОСЛИҶИҲИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

CONTEMPORARY PROBLEMS OF LITERATURE CRITICAL STUDIES

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЯ

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Бахтиёр
Назаров таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан
ўтказилган халқаро конференция материаллари

*Materials of the international conference dedicated to the 75th
anniversary of the scientist of the Republic of Uzbekistan, academician
Bakhtiyor Nazarov*

*Материалы Международной конференции, посвященной
75-летию со дня рождения ученого Республики Узбекистан,
академика Бахтиёра Назарова*

2020 йил 16 – 19 сентябрь, Ўзбекистон
September 16 – 19, 2020.
16 – 19 сентября 2020 г.

**«ТАФАККУР» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2020**

превращают его в скверный, а если после образования такового, то они его уничтожают. Ситуация в этом случае похожа на ситуацию с физическими состояниями, например, со здоровьем. Если есть здоровье, то его нужно беречь, а если его нет, то его необходимо обрести, а способствует его обретению умеренность в еде, труде и других вещах, ведомых искусству врачевания. Если эти вещи будут срединными, то будет обретено и здоровье, если его не было или же оно было подорвано, и сохранилось, если оно имелось»¹⁶⁶.

На наш взгляд, определенный интерес представляет требования наших мыслителей, предъявляемые к справедливому человеку. По их мнению, справедливый человек обязан защищать права и интересы своих сограждан, везде и всегда уважительно относиться к старшим, честно исполнять доверенные ему поручения, выполнять свой долг перед родителями и другими членами семьи, всегда и при всех обстоятельствах быть правдивым, верным данному слову. Справедливый человек должен всегда и везде умело и разумно управлять своими чувствами, страстями и аффектами души.

По мнению большинства таджикских мыслителей средневековья, несправедливость приводит к совершению насилия по отношению к людям. Исходя из этого не следует избегать несправедливости, а во взаимоотношениях с людьми бороться за справедливость. Ведь Ибн Омар говорит: «Пророк – да будет мир над ним! – сказал: «У справедливых будут в раю дворцы из света. Они будут там со своими людьми и с теми, кто был под их рукой»¹⁶⁷.

Средневековые персидско-таджикские мыслители, считая справедливость частицей творца в душе человека, доказывали, что только справедливость может создать и упрочить равновесие, порядок и мир между людьми. Поэтому самым совершенным человеком они считали того, кто отвечал всем требованиям справедливости. Таких людей, например, Ибн Сина называл «представителями Аллаха, его халифами на земле»¹⁶⁸.

¹⁶⁶ Абуали Ибн Сина. Трактат об этике // Абуали Ибн Сина. Избранное. Т.2. –Душанбе- Ашгабат, 2003, -С.168.

¹⁶⁷ Низом ал-Мульк. Сиасет-намэ. Перевод введения в изучение памятника и примечания Б.Н. Заходера.-М.,-А., Изд. АН СССР, 1949. С. 62.

¹⁶⁸ Абуали Ибн Сина. Трактат об этике // Абуали Ибн Сина. Избранное. Т.2. –Душанбе - Ашгабат, 2003, -С.168.

Зилола АМОНОВА,

Бухоро давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология факултети номзоди (Ўзбекистон)

НАВОЙ ИЖОДИДА «АЛИФ» ҲАЙРАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Алишер Навоий ижодида кўлланилган араб алиф-босидаги “алиф” ҳарфи ва унинг рамзий-ботиний маънолари акс эттирилган. Таҳлиллар давомида Навоийнинг анъанавий тасвир услуби ва новаторлик жиҳатларига эътибор қаратилган. Айниқса, Алишер Навоийнинг Имомиддин Насими ижодидан илҳомланиш масалалари ҳам инобатга олинган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, Имомиддин Насими, алиф, ҳуруфийлик, адабий таъсир, бадиий маҳорат

Алиф – араб алифбосининг ибтидо ҳарфи. Мазкур ҳарф ада-биётимиз тарихида шаклга асосланган қатор бадиий санъатларни юзага келтирган. Қолаверса, ўз рамзий-ботиний маъноси или ҳуруфийлик тариқати моҳиятини ифодалашга хизмат қилган. Ҳуруфийлик XIV асрларда Озарбайжон, Туркия давлатлариға энг кенг тарқалган бўлиб, асосчиси Фазлуллоҳ Наимидир. У бадиий ижод билан шуғулланиб, ўз тариқати ғояларини насрый ва назмий асарлари орқали баён этган. Аммо мазкур тариқатнинг анчайин кенг тарқалиши ва ривожланиш сабабларидан бири, кўпгина истеъдодлишоирлар ўзларини шу маслакка мойил кўрдилар. Ўз ижодларида ҳуруфийлик ғояларини тарғиб этдилар. Ана шундай ўз даврининг машхур шоирларидан бири Имомиддин Насими эди. Насими ижодидаги инсонсеварлик, гуманизм, инсон илоҳийлиги билан боғлиқ мотивлар Шарқ адабиёти вакиллари ижодида кенг ёритилди. Насими ижоди ва матонати улуғ шоир Алишер Навоийни ҳам бефарқ қолдирмаган. Унинг ғоя ва тимсоллариға ҳамоҳанг қатор шеърлар яратди. Айниқса, араб ҳарфларининг ботиний маънолари зикр этилган мисралар шоир ижодида салмоқли ўрин эгаллади. Фикримиз исботи сифатида алиф ҳарфи билан боғлиқ айрим байтлар таҳлилини назардан ўтказсак:

*Бормудур қўнглумда кесган ҳам алиф, ҳам наълу доғ,
Ё бу миръот ичра солғон акси ҳуснунг онидур?*¹⁶⁹

Маълумки, инсон яратилганда унинг қўнгли Оллоҳ назаргоҳи сифатида энг юксак мавқени эгаллади. Навоий қўнглимда ҳам алиф, ҳам наълу доғ мавжуд, дейиш билан асосий мақсадни

¹⁶⁹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. I том. – Тошкент, Фан, 1987. – 165-бет.

ифодалайди. Яъни кўнглимда алиф деганда, Оллоҳ назарда тутилади. Чунки ҳуруфийликда Алиф орқали Оллоҳ, унинг воҳид зот эканлигига урғу берилади. Назлу(таقا шаклидаги тамға) доғ (дард, қайғу) деганда эса, шоир сувайдони назарда тутган бўлиши мумкин. Айтишларича юрак ўртасида қора нуқта бўлармиш ва бу доғ сувайдо деб юритилар экан. Сувайдо орқали Оллоҳ гўёки, ўз яратган бандасининг юрагига наъл қўйганлигига ишорадир. Чунки, инсон юраги ҳар урганда “Оллоҳ” деб зикр этар экан. Навоий кўнглимда алиф деганда, қалбимда Оллоҳ бор дейди, наълу доғ бор деганда эса, Оллоҳ инсонни яратиб, ўз муҳрини унинг кўнглига, қалбига чекканлигини назарда тутган. Байтнинг иккинчи мисрасида Олам ҳақида Фикр юритилади. Яъни бу олам миръот (кўзгу) бўлиб, Оллоҳ ҳуснининг аксиdir, дейди. Демак, биринчи мисрада одам ҳақида, иккинчи мисрада олам ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар зикр этилади. Шоир олам ва одамнинг яратилиши тўғрисидаги мулоҳазаларини ҳуруфийлик таълимотига асосланган ҳолда қуйидаги байтида ҳам давом этиради:

*Ибтидо айлаб алифдин, муҳр айлаб доғдин,
Ишқманшурин чу давронотимаиншоқилиб¹⁷⁰.*

Навоий байтда асосий эътибор ибтидо-бошланиш “алифдан”-Оллоҳдан эканлигига урғу беради. Шоирнинг лирик қаҳрамони даврон менинг отимга ишқ маншурин-фармонини битиб қўйди, яъни ишқ азалдан менинг номимга битилди, у мен билан доимий ҳамроҳ, дейди. Улуғ шоир Алишер Навоийнинг юксак маҳорати шундаки, шеърларида шакл ва мазмун муносабати уйғун ҳолда ифодаланади. Ушбу уйғунликни бир-биридан айро тасвур қилиш имконсизdir. Жумладан, бир байтда “Алиф”нинг ҳам шаклий кўриниши, ҳам ботиний мазмунига ишора қиласи:

*Бармоғиҳайрат билакимлаълихандоничрадур,
Ул «алиф» янглиғдууруркимфилмасал «жон» ичрадур¹⁷¹.*

“Жон” сўзининг арабий ёзилишига эътибор қаратсак, “Жим” ва “нун” ҳарфларининг орасида “алиф” ўрнашиб, “жон” лафзини ҳосил қилмоқда. Бу байтда зикр этилган шаклий муносабатам-мо асосий мақсад моҳият ифодасидадир. Бундаги моҳият “Алиф”-нинг ботиний маъноси орқали англашилади. Яъни Алиф орқали Оллоҳ назарда тутилади. Демак, Жон Алифга-Оллоҳга тегишли.

¹⁷⁰ Алишер Навоий. МАТ. В том. – Тошкент: Фан, 1990. –42 бет

¹⁷¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. I том. – Тошкент, Фан, 1987. – 144-бет.

Лирик қаҳрамон ҳайрат бармоғи билан “лаъли хандон ичра”, “Алиф”нинг филмасал «жон» ичра эканлигидан таажжубга тушади. Шоир кейинги бир ғазалда “Алиф”сиз жон бўлмаслигини таъкидлайди:

*Алифсиз жон киби йўқ ул паридин ўзга мавжуде,
Ҳазинжонимда то ҳижронхадангичиқти жонимдин.¹⁷²*

Навоий Алифсиз жон бўлмаганлигидай, ул паридан ўзга мавжуд йўқ, дея Оллоҳнинг ягоналиги, воҳид зотлигига урғу беради. Тавҳид тушунчасини беришда, ҳам алиф, ҳам “пари” тимсолидан маҳорат билан фойдаланади. Албатта, Оллоҳ тавҳиди ҳақида мулоҳаза боргандга, илоҳий ишқ тушунчасига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис, Навоий “Ҳазин жонимдан чиқти ҳижрон хаданги (ўқи), дея ишқ ҳижрони эътирофларини ҳам байт мазмунига сингдиради. Ошиқ ҳар қандай ҳижрон ҳадангию, азобларига тайёр. Унга мадад берадиган, ҳар қандай, ҳижрон изтиробларига сидқидилдан бардош бериши учун биргина умид бор бу – васл умиди:

*Васл саркаш қаддидин қилдинг таманно, эй кўнгул,
Ул «алиф»ким «яъс» ародур, нахли уммид айладинг¹⁷³.*

Дарҳақиқат, васл – саркаш (бош бермас, ўжар), ошиқнинг унга етишиши анча машаққатли ва айни дамда ёрқин йўлдир. Шоир кўнгилга мурожаат қилиб, васл саркаш қаддини таманно айлади, деб ўз дардкаши бўлган кўнгил билан сирлашади. Шоир иккинчи мисрада, Алифнинг (Оллоҳнинг) тавҳидини таъкидлаш билан «яъс» сўзи аро ҳам алиф мавжудлигига ишора қиласди. «Яъс» умидсизлик, қайғу маъноларини ифодалайди. Демак, илоҳий ишқнинг бепоён сарҳадларини қаламга олар экан, ошиқ учун доим ёрқин умид бор. Шунинг учун лирик қаҳрамон кўнгли “nahli ummid ailaidi” –умид дараҳтига эътиқод қиласди.

Улуғ шоир Алифнинг шаклий кўриниши орқали нафақат тасаввух ғоялар талқинида, балки ошиқона мавзудаги ғазалларида ҳам маҳорат билан фойдаланади. Маълумки, Алиф кўп ҳолларда қоматга ташбех қилинади. Шоир ёрнинг сарвқомат қадди ёдида кўнглум ичра Алиф мавжуд. Кўнглумдаги алиф – Оллоҳнинг ишқи “жоним” сўзи аро ёзилмишdir, дейди:

¹⁷² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. I том. – Тошкент, Фан, 1987. – 444-бет.

¹⁷³ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. I том. – Тошкент, Фан, 1987. – 291-бет

*Қоматинг ёдида қўнглум ичра ҳар кесган алиф,
Рост бўлмииш ул алифдекким ёзилған жон аро¹⁷⁴.*

Ишқ ва ошиқлик масаласида кўп ҳолларда ҳижрон айрилиғи тасвирига кенг ўрин бериш анъанага айланган. А. Навоий қуидаги байтида мактуб детали орқали ишқ ва ошиқлик масаласини ёритади. Тасвирининг бадиий гўзаллигини таъминлашда Алиф асосий восита бўлиб хизмат қилган:

*Жонда қўйдум чирмағон мактубини ҳижрон аро,
Билмонулмактубдурёхудалифдуржонаро¹⁷⁵.*

Ошиқ учун матьшуқа мактуби жонга -ҳаётга тенг. Чунки унда ўз ҳаётиданда устун бўлган ёридан мужда акс этади. Шундай экан, шоир тажохулу ориф санъати имкониятидан келиб чиқиб, билмам бу мактубми ёхуд “жон”даги “алиф”ми, дейди. “Жон”ни жон қилиб турган “алиф” бўлса, ошиқ қалбининг далдаси “ёрнинг мактуби”дир.

Навоий жонтириклиқ, ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларни мисраларида акс эттирап экан, барчасининг тиргаки “Алиф”, яъни Оллоҳдир, дейди:

*Эй Навоий, чун алиф янглиғ ўқи жонингдадур,
Қатлингга тонг йўқки бир кун боис ўлғай жон доғи¹⁷⁶.*

Умр мазмуни қанчалик теран ва ўзига хос бўлмасин, “тонг йўқки бир кун боис ўлғай жон доғи”. Шундай экан, умр ва ҳаёт гулларини беҳуда совурмаслик, энг муҳим жиҳатдир.

Қатор байтларда алиф ва унинг шаклий кўриниши, шунингдек, “жон”, “яъс” каби сўзларда алиф ҳарфининг келиши билан боғлиқ мулоҳазалар бадиий акс эттирилганлигини кўриш мумкин. Айни фикрлар давом эттирилиб, матьшуқа қадди гўзаллиги Алиф билан ташбех қилинганлигини ҳам кўриш мумкин:

*Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни
Ки мундоқзеббирлауалифниайладингзебо¹⁷⁷.*

Сарвқадлар қомати малоҳат бирла яратилганлиги билан боғлиқ ташбеҳлар иккинчи мисрада ўзига хос новаторлик билан қайд этилган. Яъни зеб бирла “алиф”ни “зебо” айлаганлигига урғу берилади. Демак, зебо сўзида алифнинг мавжудлиги ҳамда сарвқадлар қоматига зеб бериб, малоҳат бирла яратилганлиги байт мазмунига сингдирилган.

¹⁷⁴ Алишер Навоий. МАТ. II том. – Тошкент, Фан, 1987. – 18- бет.

¹⁷⁵ Алишер Навоий. МАТ. II том. – Тошкент, Фан, 1987. – 23- бет.

¹⁷⁶ Алишер Навоий. МАТ. VI том. – Тошкент, 1990. – 28 бет.

¹⁷⁷ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. I том. – Тошкент, Фан, 1987. – 28-бет.

Мақсуд Асадов. Номалардаги яна бир ўзига хослик хусусида.....	97
Könül Haciyeva. Əmir Eeymur və oğlu Şahrux XV əsr azərbaycan şairinin şeirlərində.....	103
Гулсанам Холиқулова. Бобур издошлари ва ғазал жанри тараққиёти	107
Мавлонберди Суюнов. Алишер Навоийнинг Ҳофиз Шерозий ижодига муносабати	111
Зебо Қобилова. Ташбеху тимсоллар уйғунлиги.....	118
Маърифат Ражабова. Навоий ижодида мифологик образлар	123
Юнус Азимов. Навоий (Фоний) шеър ва шоирлик хусусида.....	127
Эргаш Очилов. Муқимий шоҳбайтлари	133
Буробия Раджабова. «Бобурнома»да темурийлар ренессанси ва давлат арబблари тасвири	142
Дилшод Ғайипов. Огаҳий шеъриятида муқайяд қофия	157
Тоҳир Ҳўжаев. Навоий “Наводир уш-шабоб”идаги айrim байтларнинг ҳаётий моҳияти.....	163
Равшан Усанов, Мунира Болтаева. Концепция ненасилия персидско-таджикских мыслителей	166
Зилола Амонова. Навоий ижодида «алиф» ҳайратлари	170
Бадиа Мұхитдинова. Сайидақмад Васлий Самарқандийнинг сиёсий ва ижтимоий масалаларга муносабати	174
Хуснигул Жўраева. Ҳусайн Бойқаро замондошлари талқинида.....	180
Мутабар Шарипова. Рифмованная проза «мусаджать» и стилистические особенности «муноджотнаме» Хаджа Абдуллаха Ансори.....	185
Nazmiya Muxitdinova. Nodira she'riyatida tasavvufiy ma'nolar	190
Ўқтамали Сатторов. Рудакийнинг пандноманавислик маҳорати	194
Шабнам Юсуфзода. “Мұҳокамат ул-луғатайн”да “Девони Фоний” шарҳи	200
Элмира Ҳазратқулова. «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий»да ҳажвиёт	205
Мунира Худоёрова. Навоий қитъаларида талмex санъати ...	213
Dilorom Muminova. Noma janrining shakllanish jarayoni	218